

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

КАЛАНДАРОВА УМИДА АРСЛАНОВНА

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМНИНГ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАРИ
ТОИФАЛАРИГА БОҒЛИҚ БЎЛГАН ОХИРГИ НУҚТАЛАР
ШАКЛЛАНИШИНИ СОЛИШТИРМА БАҲОЛАШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Tib268 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каюмов Улугбек Каримович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ўзбекова Нелли Рафиковна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Нуриллаева Наргиза Мухтархановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99878)- 150-78-14

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда охириги йилларда асосини инсулинга резистентлик ташкил қилган метаболик синдромга (МС) катта эътибор қаратилмоқда. Бу синдром ўз ичига бир неча хавф омилларни олади (ХО): артериал гипертензия (АГ), глюкозага толерантликнинг бузилиши (ГТБ), дислиппротеидемия (ДЛП), семизлик ва ортикча тана вазни. МСнинг асосий триггерлари қаторига қандли диабетнинг (ҚД) 2 тури, ГТБ ва семизлик киради. Халқаро Диабет Федерацияси (IDF) маълумотларига кўра, «...жаҳонда қандли диабетнинг тарқалиши 20-79 ёшдаги аҳолининг 9,3% ни ташкил этади ва 2030 йилга келиб, ёши катталар ўртасида диабет билан касалланганлар сони 578 миллионга, 2045 йилга келиб эса 700 миллионга етади...»¹. ЖССТ маълумотларига кўра «...дунёда семизликка чалинганлар сони 2,1 миллиард бўлиб, бу умумий аҳоли сонини 30% ни ташкил этади. Бу сонлар кўрсаткичи тобора ўсиб бормоқда. Семизликдан йилига 3 миллиондан ортик одам ўлмоқда...»². NHNES маълумотида кўра «...АҚШда 19 ёшдан ошган аҳоли орасида 33 миллионида ҚДнинг 2 тури аниқланган. Улардан 11,4 миллиони (33,5%) ўзида диабет борлигини билишмаган. ҚД 2тури ёшга нисбатан ошиб, кекса ёшлилар ўртасида 25,2% га етмоқда...»³. Метаболик синдром билан касалланган беморларда юрак-қон томир тизими касалликлари ривожланиши хозиргача долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

ЖССТ ва бошқа ташкилотларни маълумотларига кўра бутун дунё аҳолисининг 25% МС билан оғрийди. МС юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ривожланишини асосий сабабларидан бири ҳисобланади. ЮИК тарқалиши дунёнинг барча мамлакатларида ҳамон давом этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Хитой, Россия, Испания, Украина ва бошқа қатор мамлакатларда ЮИК билан оғриган беморлар сони тез суратлар билан ўсиб бормоқда. Ноттингемда ўтказилган илмий кузатув маълумотлари натижаларига кўра, ўткир миокард инфаркти ташхиси билан шифохонага тушиш ҳолатлари ошган. Россиянинг Фарбий Сибир худудларидаги юрак-қон томир касалликларини 20 йиллик мониторинги кўрсатишича, миокард инфаркти билан касалланиш, ўлим ва унинг турғунлашган даврда хавф омилларининг нисбий турғунлашиши қайд этилган. ЮИК билан оғриган бемор ўртасида ўтказилган холтер мониторинги 46% ҳолатларда миокарднинг оғриқсиз ишемияси (МОИ) қайд қилинганлиги аниқланган. Кузатувлар МОИси бўлган беморларда тўсатдан коронар ўлим хавфи 5-6 барабар ортишини тасдиқлайди.

Бугунги кунга келиб, ЮИК шаклланишида ва ундан ўлим ҳолатида турли хил хавф омиллари, шу жумладан МСнинг асосий таркибий қисмлари қатнашиши аниқланган. Шу билан бирга, ЮИК ва ушбу касалликдан ўлим ҳолатларини ривожланишида МС таркибий қисмлари турли тоифаларининг

¹ International Diabetes Federation Atlas, 9th edition, 2019.

² World health organisation, 2017

³ Catherine C. Diabetes Care 42.6 (2019): 994-1004.

роли тўғрисида хали ҳам маълумотлар етарли эмас. Шунинг учун, МС билан оғриган беморларда сўнги нуқталарни ўрганиш мақсадга мувофиқ ва амалий аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда МС ва уни асосий компонентлари кенг тарқалган. Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини сифат жихатдан ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат сифатини ошириш борасида мақсадли чора тадбирлар оширилмоқда. «...Юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда уларнинг хавф омилларининг олдини олиш, даволаш ва назорат қилиш, аҳолининг барвақт ўлим ҳамда касалланишини камайтириш бўйича профилактика қилиш...»⁴ каби вазифалари белгиланган. Республикада сурункали ноинфекцион касалликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш мақсадида тиббиёт фани ва амалиётининг асосий йўналишларига соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликлар профилактикаси ва уларга хавф омилларига қарши курашишнинг аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш киритилган. Ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш аҳоли орасида МС ва унинг компонентларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали МС асоратларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сон «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган ва тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари» ва 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон «2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Қарори.

тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда илмий тадқиқотлар давом этмоқда ва уларда аниқланганидек, МС ҚД 2 тури, юрак ва бош мия қон томир ва бошқа касалликларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга (Saklayen MG., 2018; ADA, 2019). Лекин адабиётларда МС структураси ва унинг компонентлари турли тоифаларининг (жумладан гипергликемия категориясининг ҳам) коморбид ҳолатлар ривожланиши ва бир қатор касалликлар туфайли содир бўладиган ўлим даражасидаги аҳамияти ҳақида етарлича маълумотлар йўқ. Шунинг учун охириги нуқталарни ўрганиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда МС нинг асосий компонентларининг уларга таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борилиши керак.

Дунёдаги тадқиқотларни бир қаторида гипергликемиянинг турли тоифаларини аниқлашда камчиликларга йўл қўйилган. Яъни, XX асрнинг 80-йилларида турли тадқиқотларда ГТБ ни глюкозали юкламадан кейин 1 соат ўтиб, бошқа тадқиқотларда – фақат 2 соатдан кейин, учинчи хил тадқиқотларда – фақат наҳорга аниқлаб ўрганилган. Натижада – ушбу илмий ишларда ГТБнинг юрак-қон томир касалликларининг хавф омили сифатидаги роли тўғрисида хато хулосалар қилинган. Масалан, етарлича катта бўлган «Asymptomatic hyperglycaemia and coronary heart disease» кўп марказли тадқиқотда ГТБ юрак-қон томир касалликлари ривожланишига таъсир кўрсатмайди, деб хулоса қилинган (Rose Stamler, JeremiahStamler. A series of papers by the International Collaborative Group, based on studies in fifteen populations, 1979).

Ўзбекистонда МС муаммоси бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган. Уларда аҳоли ўртасида ҚД, АГ ва семизлик кенг тарқалганлиги кўрсатилган (Каюмов У.К., 1991, 2000, 2011; STEPS ВОЗ, 2014; Исмаилов С.И., 2007, 2019; Уринов О.У, Мамутов Р.Ш., 2016; Алиханова М.Н., 2018; Алиева А.В., 2018). Соғлиқни сақлашни бирламчи тизими шароитида диабет хавфи омилларини текшириш ва комплекс баҳолаш дастури ишлаб чиқилган (Шагазатова Б.Х., 2013). МСда ЮИК атипик ёки оғриқсиз кечиши кўрсатилган (Исмаилов К.Я., 2003). АГ ривожланишида гликемик эгриликнинг симпатоадренал ва вагоинсуляр фазалари бузилишидаги аҳамияти аниқланган (Болтаев С.Н., 2001). Нефрология тадқиқотларида эса МС ва ҚДда нефропатия генотипи аниқланди (Даминова К.М., 2011). Бундан ташқари, МС сурункали пиелонефрит учун хавф омили деб топилди (Аслонова И.Ж., 2010). Беморнинг асосий хавф омилларини ўз-ўзини назорат қилиш орқали юрак-қон томир касалликларининг сўнги нуқталарини шакллантириш хавфини камайтириш имконияти кўрсатилди (Нуриллаева Н.М., 2012). МС ва сурункали буйрак касалликлари ўзаро боғлиқлиги аниқланган (Каримов М.М., 2015). Подагра клиник кечишида МС аҳамияти ўрганилган, бунга кўра глюкозага толерантликни бузилиши подагра билан узвий боғлиқ (Абдухакимова Н.А., 2011). МС нинг симпатоадренал тизим ҳолати билан боғлиқлиги аниқланди (Узбекова Н.Р., 2014). “Гипертензия мактаби” доирасида ташкил этилган АГ

билан оғриган беморларнинг ўз-ўзини назорат қилиш юқори қон босимидан келиб чиқадиган хавфни сезиларли даражада камайтириши мумкинлиги исботланган (Гадаев А.Г., Гулямова Ш.С., 2014, 2018). Шулар билан бир қаторда ҳозирги пайтгача МС асосий компонентлари ҳар хил категориялардаги роли ва уларни охириги нуқталарда шаклланиши ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот иши Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ички касалликлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари режасининг № 002276 «Метаболик синдром ва унинг ички касалликларнинг шаклланиши ва кечишидаги аҳамияти» (2015-2019) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади охириги нуқталар шаклланишидаги метаболик синдромни турли компонентларининг ролини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

метаболик синдром асосий компонентлари турли хил комбинацияларининг охириги нуқталар шаклланишига таъсирини аниқлаш;

гипергликемиянинг турли хил тоифаларида ортиқча тана вазни, дислипидемия ва артериал гипертониянинг ифодаланганлик даражасини баҳолаш;

гликемик эгриликнинг симпатoadренал ва вагоинсуляр фазалари бузилишларида метаболик синдром асосий компонентлари ҳолатини баҳолаш;

метаболик синдром асосий компонентлари ифодаланганлик даражасининг суррогат, юмшоқ ва қаттиқ охириги нуқталар шаклланишидаги ролини белгилаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2011-2016 йилларда Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Хоразм филиалида метаболик синдром асосий компонентларини аниқлаш назарда тутилган дастур бўйича текширувдан ўтган 40-60 ёшдаги 236 бемор ҳамда Тошкент шаҳрида МС компонентлари билан оғриган ва кейинчалик вафот этган 306 беморларни ўлим сабаблари олинган.

Тадқиқотнинг предмети – қон таркибидаги глюкоза, инсулин, гликозилирланган гемоглобин, ортиқча тана вазни, абдоминал семизлик, артериал қон босими, қондаги липидлар, Кетле индекси, бел айланаси, бел айланасининг сон айланасига нисбати материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, эпидемиологик усуллар, анкета сўровномаси, умумий клиник, биокимёвий текшириш усуллари ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гипергликемиянинг МС патогенези ва унга коморбид касалликлар (ушбу тадқиқотда – ЮИК) ҳақидаги тасаввурларни кенгайтирадиган охириги нуқталар шаклланишига таъсир кўрсатадиган турли хил тоифаларининг нисбий аҳамияти исботланган;

илк бор гликемик эгрилик симпатоадренал ва вагоинсуляр фазаларининг МС даволаш-профилактик чора-тадбирларини шакллантиришга имкон берадиган нисбий қиймати аниқланган;

семизлик ҳамда ортиқча тана вазни турли ҳил тоифаларининг охирги нуқталар шаклланишидаги аҳамияти исботланган;

илк бор МС компонентлари ва гипергликемиянинг турли категориялари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

МС асосий компонентлари ва уларнинг биргаликда келишининг охирги нуқталар шаклланишидаги аҳамияти ҳақидаги натижалари даволашга дифференциаллашган ёндашув йўли билан МСни олдини олиш ва даволашни оптималлаштиришга асос яратган.

МС ривожланиши ва авж олишида гликемик эгрилик турли фазалари патогенетик аҳамияти ҳақидаги янги маълумотлар гликемик эгриликнинг симпатоадренал ва вагоинсуляр фазалари бузилишларини дифференциал ёндашув йўли билан коррекция қилиш имкониятини яратган .

Ишнинг натижаларини МСда охирги нуқталар шаклланиши қисмида тиббиёт амалиётига жорий қилиниши бу синдромда коморбид ҳолатлар, хусусан ЮИКни самарали профилактика қилиш тамойилларини такомиллаштирган.

Тадқиқотнинг ишончлилиги илмий ишда назарий ёндашувнинг соддалиги, усуллар, ўтказилган текширувлар аниқлиги, етарлича ҳажмдаги танлов, замонавий статистик усулларнинг қўлланилиши, клиник, биокимёвий текшириш усуллари натижалари билан тасдиқланади; олинган натижалар хорижий ва мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотлар билан солиштиришга; хулоса ва олинган натижалар ваколатли структуралар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

МСнинг асосий таркибий қисмлари бўлган сўнги нуқталарни шаклланишидаги аҳамиятли маълумотлар олинган. МС таркибий қисмларининг сўнги нуқталарни шакллантиришдаги аҳамияти даражаси уларнинг мавжудлиги ва уларнинг оғирлик даражасига ва тоифасига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти МС ва бу синдром билан боғлиқ бўлган коморбид ҳолатларни олдини олиш ва эрта аниқлаш жараёнида МС компонентларини танқидий баҳолаш ва уларни коррекция йулларини оптималлаштириш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадида метаболик синдром хавфини ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур МС хавфини унинг таркибий қисмлари мавжудлиги ва уларнинг оғирлиги билан баҳолаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. МСнинг асосий таркибий қисмларининг турли ҳил тоифаларини охирги нуқталарни шакллантиришдаги қиёсий аҳамияти бўйича ва олинган натижалар асосида:

«Метаболик синдромда хавф гуруҳини аниқлаш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 3 мартдаги № 8н-р/107-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома метаболик синдром хавф омилларини ўз вақтида аниқлаш, турли асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш имконини берган.

МС хавф омилларининг аниқлаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Республика 2-сонли клиник шифохонаси, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий марказининг Хоразм филиали, ЎзР ПА қошидаги «Қибрай» ТББ клиник санаторийси, Ургенч шаҳар тиббий бирлашмаси марказий поликлиникаси клиник амалиётига татбиқ этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 декабрдаги № 8н-з/216-сон маълумотномаси). Ушбу натижаларнинг тadbиқ этилиши юрак-қон томир хавфининг даражасига қараб, метаболик синдромни дифференциал олдини олиш ва даволашга имкон беради. Тадқиқотда аниқланган МС таркибий қисмларининг динамикаси қон босими, тана оғирлиги, липидлар ва гликемия таркибий қисмлари билан боғлиқ келажакдаги вазиятни тахмин қилиш имконини беради. Диссертация натижаларига кўра, юқумли бўлмаган бир қатор касалликларни профилактика қилиш бўйича фанлараро дастурларни режалаштириш ва ўтказиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан 2 та халқаро ва 8 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий ишлар чоп этилди, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 8 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, амалиётга тавсиялар ва иқтибос қилинган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларнинг амалиётга тadbиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумот келтирилган.

Диссертациянинг «**Метаболик синдром тарқалганлигини ва унинг охириги нуқталар шаклланишидаги аҳамиятини аниқлаш**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи, долзарблигини асослаш, диссертациянинг зарурияти, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши

устувор йўналишларига мослиги, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотларнинг шарҳи келтирилган. Метаболик синдром ва унинг асосий компонентлари муаммоси таҳлил қилинган. Клиник ва шу каби популяцион тадқиқотлар доирасида ҳам адабиётлардан олинган маълумотлар кенг ёритилган.

Диссертациянинг «**Метаболик синдромни ўрганиш усуллари**» деб номланган иккинчи боби клиник материал, лаборатор ва статистик текшириш усулларининг тавсифи келтирилган. Шунингдек, тадқиқот ЎзР Этика қўмитасида шу тадқиқот учун махсус тасдиқланган сўровномани тўлдирилишини ўз ичига олган. «Юмшоқ» ва «суррогат» охириги нуқталар шаклланишини аниқлаш мақсадида Урганч шаҳрида 40-60 ёшдаги 236 нафар эркак тиббий кўриқдан ўтказилди. 6 йил давомида улар орасидан танланган 103 беморда МСнинг асосий компонентларини динамикаси кузатилган. «Қаттиқ» охириги нуқталарни аниқлаш Тошкентда репрезентатив гуруҳни ташкил этган 20-69 ёшдаги 1335 нафар эркаклар гуруҳи ўртасида олиб борилди. Ўлим сабабларини аниқлаш 12 йил давомида амалга оширилди. Бу даврда тадқиқот бошланишида сўровда қатнашганлар орасидан 306 киши ўлган.

Тиббий текширув таркибига қуйидаги текшириш усуллари: сўровнома, биокимёвий, инструментал усуллар киритилган.

Сўровнома усули:

- ЖССТнинг зўриқиш стенокардиясини (тўш орқасида ва/ёки/кўкрак қафасининг чап томонида ва чап қўлда жойлашган, жисмоний зўриқиш вақтида пайдо бўлиб, жисмоний зўриқиш интенсивлиги камайтирилганда ёки тўхтатилганда йўқоладиган оғриқлар мавжудлиги) аниқлаш учун стандарт сўровномаси;

- ЖССТнинг илгари юз берган бўлиши мумкин миокард инфарктини (ЭКГда чандиқланишга хос ўзгаришлар бўлмаганда, анамнезда кўкрак қафасининг олдинги қисмини тешиб юборадигандай, 30 дақиқа ва ундан узоқ вақт давом этадиган кучли оғриқлар мавжудлиги) аниқлаш учун стандарт сўровномаси.

Инструментал текшириш усуллари:

- ЭКГ тинч ҳолатда қабул қилинган 12 уланишларда олинди. ЮИК ҳақидаги маълумотлар Миннесота коди (МК) бўйича қуйидаги мезонларга мувофиқ таҳлил қилинди: аниқ миокард инфаркти - ЭКГда чандиқланишга хос ўзгаришлар мавжудлиги (тоифалар 1-1,2 МК); зўриқиш стенокардияси – 1-1,2 МК тоифалари бўлмаганда ЖССТ сўровномаси мезонларига жавоб берадиган оғриқ мавжудлиги; оғриқсиз ЮИК – чап қоринча гипертрофияси, зўриқиш стенокардияси ва 1-1,2 МК тоифалари бўлмаганда; анамнезда юз бериши мумкин бўлган миокард инфаркти (ЖССТ сўровномасига мувофиқ) – ЭКГда чандиқланиш ва ишемияга хос ўзгаришлар, шунингдек зўриқиш стенокардияси бўлмаганда; ЭКГ бўйича миокардда мумкин бўлган чандиқланишга хос ўзгаришлар (тоифалар 1-2-8 ва 1-3 МК), юз бериши мумкин бўлган миокард ишемияси (тоифалар 4-3, 5-3 МК), аритмик шакли

(тоифалар 6-1,2; 7-1 ва 8-3 МК), чап қоринча гипертрофияси бўлганда миокард ишемиясини (тоифалар 4-1,2 ва 5-1,2 3-1,3 МК мавжуд бўлганда) ўз ичига олган юз бериши мумкин бўлган ЮИК.

- артериал қон босимини (АҚБ) баҳолашда 2 дақиқадан кам бўлмаган интервал билан 2 мартаба ўлчанганда олинган кўрстакларнинг ўртача қиймати ҳисобга олинди. ЖССТнинг АҚБ бўйича охириги таснифига мувофиқ қуйидаги тоифалар фарқланади (мм.сим.уст.): оптимал АҚБ (САБ - <120; ДАБ <80); меъёрий АҚБ (САБ < 130; ДАБ < 85); юқори меъёрий АҚБ (САБ 130-139; ДАБ 85-89); АҚБ 1-даражаси (САБ 140-159; ДАБ 90-99); АҚБ 2-даражаси (САБ 160-179; ДАБ 100-109); АҚБ 3-даражаси (САБ >180; ДАБ >110). Мазкур тадқиқотнинг популяцион характерга эга эканлигини ҳисобга олиб, бу тоифалар қуйидагича гуруҳларга бўлинди: меъёрий АҚБ: САБ ≤ 139; ДАБ ≤ 89, АҚБ - САБ ≥140; ДАБ ≥ 90. Шу билан бирга бемор текширувдан олдин 2 ҳафта давомида гипотензив препарат қабул қилган бўлса АҚБ кўрсаткичларидан қатъий назар АГ қайд этилди.

- Ортиқча тана вазни, семизлик бўйича Халқаро гуруҳнинг (1997) тавсияларига биноан Кетле индексида (КИ) қайд этилган: оғирлик(кг)/бўйи(м²), 25дан 29.9 гача ва семизлик учун КИ даражаси ≥30 қабул қилинди.

- Халқаро Диабет федерацияси (IDF, 2009) мезонлари бўйича абдоминал (марказий) семизлик (АС) аниқланди. Абдоминал семизлик учун (АС) эркаклардаги бел атрофи 94 см қилиб олинди.

Биокимёвий текширувлар:

- веноз қонда липидлар миқдори: холестерин (ХС), триглицеридлар (ТГ) ва β-липопротеидлар (β-ЛИП) миқдори аниқланди. Гиперхолестеринемия (ГХ) деб > 6.1 ммол/л қиймати, гипертриглицеридемия (ГТГ) деб- ТГ > 1,7 ммол/л даражаси, гипербетталипопротеидемия (ГβЛИП) деб - β-ЛИП >55 оп.т.б. даражаси қабул қилинди.

- Глюкозага толерантлик ҳолати ЖССТ мезонлари (1999) бўйича, глюкозага толерантлик стандарт тест (ГТТ) кўрсаткичлари асосида, наҳордаги глюкозани аниқлаш билан, шунингдек, 75гр глюкоза юкламадан 1 ва 2 соат ўтгач баҳоланди. Гликемик эгри чизигининг симпатoadренал ва вагоинсуляр фазаларини баҳолаш учун гликемия миқдорини глюкоза юклангандан 1-2 соат кейин амалга оширилди.

Маълумотни баҳолаш қуйидаги мезонлар бўйича ўтказилди (ммол/л): нормал глюкоза толерантлиги: наҳорги глюкоза <6.1 ва гликемия 2 соатдан кейин <7.8; бузилган наҳорги гликемия: наҳордаги гликемия кўрсаткичи ≥6.1, аммо <7.0 ва гликемия 2 соатдан кейин <7.0; бузилган глюкоза толерантлиги: наҳорги гликемия <7.0 ва гликемия 2 соатдан кейин ≥7,8, аммо <11.1; қандли диабет: наҳорги гликемия ≥7,0 ва гликемия 2 соатдан кейин 11.1. ЖССТ мезонларига қўшимча равишда, гликемик эгри чизигининг симпатoadренал фазаси фаолиятини баҳолаш учун гликемия даражаси глюкоза юклангандан 1 соат кейин ҳам ўрганилди. Гликемик даражада глюкоза юклангандан 1 соат

ўтгач ≥ 8.8 , гликемик эгри чизигининг симпатоадренал фазаси бузилиши кайд этилди.

- веноз қонда глюкозилланган гемоглобин (HbA1c) таркиби калорометрик усул билан аниқланди. HbA1cнинг 5.7%дан паст даражаси нормал деб ҳисобланди, 5.7%дан 6.4%гача глюкозага толерантликни бузилиши деб баҳоланди (ГТБ) ва HbA1c даражаси 6.4%дан юқори бўлганида диабет аниқланди.

- НОМА-IR индекс = нахорги инсулин (мкЕд/мл) x нахорги глюкоза (ммоль/л)/22,5 ёрдамида инсулин қаршилигининг ҳолати аниқланди. НОМА-IR индексининг қиймати 2.7 бирликдан ошганда инсулин қаршилиги ташхиси қўйилган.

Текширилган контингент ўртасида ўлим сабабларини баҳолаш.

Ўлим сабабларини аниқлаш Тошкентда кўриб чиқилган контингентлар орасида 1335 кишининг материаллари бўйича ўтказилди. Бу контингент уюшмаган аҳоли ўртасида репрезентатив танлов асосида олиб борилди. Ўлим сабабларини ўрганиш 12 йил давомида олиб борилди. Бу вақт давомида текширилганлар қаторидан тадқиқот бошланишидан 306 киши вафот этди. Ўлим сабаблари ўлим ҳақидаги шифокор томонидан берилган гувоҳнома, касаллик тарихи ва патологоантомик текширувлар асосида аниқланди. Тиббий ҳужжатларда ўткир миокард инфаркти ўлимнинг бевосита сабаби қилиб кўрсатилганда, ЮИК ўлим сабаби сифатида кайд этилди. Шу билан бирга ЮИК бор беморнинг ҳаёти давомида ўлимга олиб келувчи бошқа муҳим сабаблар бўлмаганда тиббий ҳужжатларда ўткир юрак-қон томир етишмовчилиги ўлимнинг бевосита сабаби деб кўрсатилганда ҳам ўлим сабаби деб ҳисобланди.

Статистик ишлов бериш. Материалларга статистик ишлов бериш персонал компьютерда амалий дастурий стандарт пакетидан фойдаланиб олиб борилди. Интенсив кўрсаткичлар, шунингдек миқдорий кўрсаткичларнинг ўртача қиймати ва уларнинг ўртача квадрат оғиши ($M; \pm \delta$) ҳисоблаб чиқилди. Бир қатор маълумотларнинг боғлиқлигини баҳолашда корреляцион таҳлилдан фойдаланилди (корреляция коэффиценти - r). Аниқланган кўрсаткичларнинг ишончлилиги Стьюдент (t) мезони ёрдамида баҳоланди.

Диссертациянинг «**Узоқ муддатли кузатиш пайтида метаболик синдромнинг баъзи асосий таркибий қисмларининг ўртача даражалари динамикаси**» деб номланган учинчи бобида гипергликемиянинг турли тоифаларида қон босими, ортикча вазн ва дислипидемиа динамикаси тўғрисида маълумотлар берилган. МС-нинг ушбу таркибий қисмлари мониторинги 12 йил давом этди. МС-нинг турли таркибий қисмлари даражаси ва гликемик эгри чизигининг симпатоадренал ва вагоинсулар фазалари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш учун биз ишнинг бошида ва охирида қон босими, липидлар ва тана массаси индексларининг ўртача кўрсаткичларини таҳлил қилдик. Аммо, дастлаб, ўрганилган параметрларнинг ўртача даражаси глюкоза толерантлик гуруҳида, ГТБ гуруҳида ва 2-тоифа диабет билан оғриган беморларда кўриб чиқилди.

Кузатув даврида МС асосий таркибий қисмларининг (АТҚ) ўртача даражалари ҳолати тўғрисида олинган маълумотлар (1-жадвал) шуни кўрсатадики, таҳлил қилинган гуруҳлар таркибидаги деярли барча МС компонентларнинг даражаси шу вақт ичида ошган. Бироқ, кўриб чиқилган гуруҳлардаги кўрсаткичларнинг ўзгариши даражаси бир хил эмас эди. Масалан, барча гуруҳларда қон босими кўтарилди. Бироқ, бу ўсиш даражаси нормал ва бузилган глюкоза бардошлилиги бўлган гуруҳларда кўпроқ аниқланди. Қандли диабет билан касалланган гуруҳдаги қон босими даражасининг сезиларли даражада ошмаганлиги ушбу беморларни тиббий кўриқдан ўтказиш билан изоҳланади. Текширилган барча гуруҳларда липидлар даражаси ошди. Бундан ташқари, бир томондан нормал глюкоза

1-жадвал

Қандли диабет ва ГТБ учун кузатув даврида метаболик синдромнинг баъзи асосий таркибий қисмларининг ўртача даражаси динамикаси (М±δ)

Толерантлик	Нормал толерантлик		Қандли диабет		ГТБ	
	Бошида	Охирида	Бошида	Охирида	Бошида	Охирида
АТҚ						
САБ	120,73± 16,85	128,66± 18,39 **	135,14±2 0,72	139,23± 19,11	128,37±2 2,56	137,34± 23,71
ДАБ	72,25± 13,92	79,27± 09,57 ***	82,16± 09,63	86,97± 10,66	78,63± 13,27	85,30± 12,41 ***
β-липопротеидлар	47,12± 13,79	56,15± 16,89 **	52,71± 13,54	63,28± 15,36	50,41± 13,85	63,19± 14,86 **
ТГ	1,58± 0,09	1,65± 0,10	2,47± 0,11	3,45± 0,23 *	1,87± 0,18	2,29± 0,15 **
Кетле Индекси	25,13± 2,03	26,94± 6,51 **	28,05± 1,86	33,39± 6,08 ***	27,59± 3,47	31,64± 5,77 ***

Изоҳ: * -тадқиқот бошида ва охирида кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлиги

бардошлилиги бўлган гуруҳ, иккинчи томондан қандли диабет ва ГТБ билан касалланган гуруҳлар ўртасида уларнинг даражалари ошиши даражасида фарқлар аниқланди. Тана массаси индексининг сезиларли даражада ошиши кўриб чиқиладиган барча гуруҳларда кузатилди, аммо ушбу кўрсаткичнинг энг катта ўсиши диабет ва ГТБ билан касалланган гуруҳларда кузатилди.

Адабиётларда гликемик эгри чизиғининг симпатoadренал ва вагоинсулар фазаларининг бузилиши метаболик синдромнинг таркибий қисмлари ва индивидуал ХОнинг тарқалиши билан ҳар хил боғлиқлиги ҳақида далиллар мавжуд. Шу муносабат билан, гликемик эгри чизиғининг 1 ва 2 босқичлари бузилган тақдирда, МС таркибий қисмларининг даражасини узоқ вақт давомида ўзгартириш масаласи қизиқтиради. МС таркибий қисмларининг ўртача даражалари динамикаси бўйича натижалар гликемик эгри чизиғининг 1 ва 2 босқичлари бузилган гуруҳларда қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинди. Олинган маълумотларга кўра (2-жадвал), кузатув даврида МС таркибий

қисмлар даражасида сезиларли ўсиш кузатилди. Қон босими даражаси статистик жиҳатдан барча гуруҳларда сезиларли даражада ошди.

2-жадвал

Гликемик эгри чизигининг турли босқичларини бузилишида метаболик синдромнинг баъзи асосий таркибий қисмларининг ўртача кўрсаткичлари динамикаси (M±δ).

Толерантлик	1-фазани бузилиши		2-фазани бузилиши		Аралаш бузилиш 1 ва 2 фазалар	
	Бошида	Охирида	Бошида	Охирида	Бошида	Охирида
АТҚ						
САБ	125,18± 17,2	132,04± 19,19	129,76± 21,34	136,75± 20,08	134,23± 21,38	141,51± 21,16
ДАБ	75,55± 10,32	79,43± 13,75	77,37± 12,45	87,85± 12,05	83,61± 14,39	95,12± 12,43 **
β-липопроте	51,94± 13,27	53,75± 13,39	52,96± 12,33	58,08± 14,34 *	54,39± 15,03	61,51± 13,15 *
ТГ	1,65± 0,11	1,94± 0,10 *	1,91± 0,18	2,39± 0,15 *	2,02± 0,14	2,42± 0,13 *
Кетле индекси	26,13± 3,05	24,89± 5,72	26,03± 5,56	30,45± 2,81 **	27,34± 7,52	29,41± 5,60


Изоҳ: * -тадқиқот бошида ва охирида кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилиги

Шу билан бирга, гликемик эгри чизигининг иккинчи фазаси ва 1, 2 фазалари бузилишининг комбинацияси бўлган одамларда ДАБнинг энг кўп ўсиши кузатилди. Ушбу даврда липид даражаси гликемик эгри чизигининг биринчи ва 2-фазалари бузилган одамлар орасида, шунингдек, 1, 2 фазалари бузилишининг комбинацияси бўлган одамлар орасида ошди. Умуман олганда, гипергликемиянинг метаболик синдромнинг асосий таркибий қисмларига салбий таъсири одамларда гликемик эгри чизигининг иккала ва 2 фазасининг бузилиши билан кузатилганлигини таъкидлаш керак. Шу билан бирга, 1 ва 2-фазалар бузилишининг комбинацияси билан юмшоқ «сўнгги нуқталар» жиддийлиги аниқланди.

Шундай қилиб, МС-нинг турли хил таркибий қисмлари ва уларнинг даражалари таҳлили шуни кўрсатдики, ГТБ, шунингдек диабет ҳам улар билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга, гликемик эгри чизикнинг 2-фазасининг бузилиши 1-фазанинг бузилишидан кўра МС асосий таркибий қисмларининг ўртача даражаси билан боғлиқ. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, гликемик эгри чизикнинг симпатоадренал фазаси ва вагоинсуляр фазадаги бузилишлар МС-нинг асосий таркибий қисмларининг ўртача кўрсаткичларида ноаниқ тенденциялар билан тавсифланади. Ушбу маълумотлар метаболик синдроми ва унинг асосий таркибий қисмлари даражаларининг динамикасини баҳолашда юмшоқ "сўнгги нуқталарни" ўрганиш бўйича кейинги тадқиқотлар мақсадга мувофиқлигини кўрсатади

Кўриб чиқилаётган омиллар ўртасидаги боғлиқликлар ўрганилди (1-расм). Олинган маълумотларга кўра алоҳида ХО ўртасида бир бирига ўхшаш

бўлмаган корреляцион боғлиқлик мавжуд. Маълум бўлдики, умуман олганда деярли барча корреляция коэффицентлари даражалари ишончли.



1-расм. МС асосий таркибий қисмларининг кўрсаткичлар ўртасидаги корреляция коэффицентлари

Таъкидлаш лозимки, энг кўп ифодаланган корреляцион боғлиқлик САБ ва ДАБларни, Кетле индекси ва глюкозали юкламадан сўнг 2 соатдан кейинги гликемия орасида қайд этилди. Кетле индекси ва гликемия кўрсаткичлари орасида ҳам ишончли корреляцион боғлиқлик аниқланди, глюкозали юкламадан сўнг 2 соатдан кейинги гликемия билан корреляцион боғлиқлик даражаси юқорироқ бўлди.

Диссертациянинг «**Метаболик синдромнинг асосий таркибий қисмлари иштирокидаги юрак ишемик касаллигидан ўлим**» деб номланган тўртинчи бобида юрак ишемик касаллигидан ўлимда МС асосий таркибий қисмларининг роли тўғрисида маълумот берилган. Олинган маълумотларга кўра, юрак ишемик касаллигидан ўлим МС (ГТБ, гипертония, ТМИ ва гиперлипидемия) асосий таркибий қисмлари билан боғлиқ бўлган хавф омиллари билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу омилларнинг сони ортиб бориши билан ЮИКдан ўлим даражаси ошиши кузатилмоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, ХО ўрганилмаган одамлар орасида ЮИКдан ташқари бошқа сабабларга кўра ўлим даражаси 5 мартадан кўпроқ, МС билан касалланган одамларда эса ЮИК ўлимидан 2 баравар паст (3-жадвал). Ушбу факт ЮИКдан ўлим ҳолатларида МС таркибий қисмларининг роли тўғрисидаги тадқиқотларни чуқурлаштириш учун муҳим шартдир.

МС компонентларини сони ортиб бориши билан, умумий ўлим тузилиши бўлган ЮИКнинг улуши сезиларли даражада ошади ва ЮИКдан ташқари бошқа касалликларнинг улуши камаяди. Шундай қилиб, тадқиқот бошланишида, МС компонентларини ўрганилмаган одамлар орасида, барча "бошқа" касалликлардан ЮИК туфайли ўлим сонининг 1/5 қисмини ташкил этди. Шу билан бирга, ушбу даврда МС билан касалланган одамлар учун

31,75% "бошқа" сабаблардан вафот этган, 68,25% эса ЮИКдан вафот этган (фарқлар статистик аҳамиятга эга, $P < 0.05$).

3-жадвал

Юрак томир касаллиги сонига қараб, ўлимнинг умумий тузилишидаги улуши метаболик синдромнинг таркибий қисмлари (вафот этганларнинг умумий сонига нисбатан)

Ўлим сабаби	Умумий ўлим (n=306)	Бошқа касалликлардан вафот этган	ЮИКдан вафот этган
МС компонентларининг сони	%	%	%
МС компонентлари йўқ	100	84,90 ^{^^^}	15,10
МС нинг 1 компоненти	100	66,66 ^{*^}	30,34 [*]
МС нинг 2 компоненти	100	44,29 ^{**}	55,71 ^{***}
МС нинг 3 компоненти	100	59,38 [*]	40,62 [*]
МС нинг 4 компоненти	100	31,75 ^{*** ^}	68,25 [*]


Изоҳ: * - МС нинг компонентларисиз гуруҳга нисбатан кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлилиги; ^ - юрак ишемик касаллиги билан касалланган гуруҳга нисбатан кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлилиги.

МС таркибига кирувчи 2 таркибий қисмдан иборат бўлган ЮИКи ва ўлимнинг барча бошқа сабаблари нисбати фарқли бўлишига қарамай, ушбу фарқлар статистик аҳамиятга эга эмаслиги кўрсатилди. Шу билан бирга, МС таркибига кирувчи 3 компонентнинг комбинацияси билан гуруҳдаги юрак томирлари касаллигидан ўлим даражаси тадқиқотнинг бошида МС нинг 2 таркибий қисмига эга бўлган одамлар орасидагига қараганда паст эди. Кўринишидан, ушбу ҳолатда шуни тушунтириш мумкинки, МС нинг иккита таркибий қисми мавжуд бўлганда, кузатув гуруҳларидан беморларнинг интенсив равишда «чиқиб кетиши» юрак ишемик касаллиги туфайли ўлимга олиб келади. Аммо кейин МСнинг 4 таркибий қисмига эга бўлган одамларда юрак ишемик касаллиги туфайли ўлимнинг кейинги ошиши аниқ эмас.

Тақдим этилган маълумотлар мантиқий бўлса-да ва МС таркибий қисмларининг ортиши билан хавфнинг кўпайиши ғоясини тасдиқлайди, аммо бундай таҳлил бизга ушбу касалликдан ўлим ҳолатида ҳар бир ўрганилаётган МС таркибий қисмининг аҳамиятини аниқлашга имкон бермайди. Шу муносабат билан юрак ишемик касаллигидан ўлим 1468 кишида (Тошкент шаҳрида 1335 киши ва Урганчда 133 киши) кўриб чиқилган барча танланганлар орасида МС асосий компонентларининг турли хил комбинациялари билан ўрганилди. МС таркибий қисмларининг турли хил комбинациялари билан юрак ишемик касаллигидан ўлимни ўрганиш шуни кўрсатдики, МС нинг алоҳида таркибий қисмлари бирикмаси кўпроқ аҳамиятга эга. Шундай қилиб, кузатув даврида МС таркибий қисмларини ўрганилмаган шахслар орасида (Тошкентда 12 йил ва Урганчда 6 йил) фақатгина НТГ - 12,61%; ТМИ-15,97%; АГ-21,46% иштирокида 8.45% юрак

ишемик касаллигидан вафот этганлар. МС нинг иккита таркибий қисмининг комбинацияси билан гипертензия ва ГТБ билан оғриган шахслар учун энг юқори кўрсаткич қайд этилди - 28,02%. Юрак ишемик касаллигидан ўлимни прогноз қилишда АГ+ГТБ+ОТВ ва АГ+ГТБ+ГХ комбинациялари энг хавфли бўлиб, бунда ўлимдаги юрак-қон томир касалликларининг улуши мос равишда 38,25% ва 40,63% ни ташкил этди.

